

Умри тижорат билан ўтган Соломон бобо кунлардан бир кун Гард кўли сохилидаги мехмонхонада ярим кечаси корин огригидан уйғониб кетди. Бу ерга у оиласи билан бирга дам олгани келган эди. Караса, ахвол чаток: ичини биров бургу билан пармалаётгандай, нафас оляптими, йўкми – ўзи ҳам билмайди. Кариянинг капалаги учиб кетди. Тўгри, кўпдан буён жигаридан нолиб юрарди, аммо бунакаси... У шифтга тикилганча дўппайган корнини, сўнг кўкраги ва елкаларини аста сийпалаб чикди. Огрик пасаяй демасди. Каёқдан илашди бу касофат? Балки бирор овкат ёкмагандир? Италияга келган сайёхлар орасида бунака шикоятлар кулокка кўп чалинади. Харакат килсам огрик таркалар, деган хаёл билан инкиллаб-син-киллаб ўрнидан турди. Ростдан ҳам уч-тўрт кадам босиши билан сал енгил тортгандай бўлди. Аммо хона тор эди, бунинг устига, ёнма-ён кўйилган каравотда ухлаб ётган хотинини уй-готиб юборишдан чўчиди. Бекорга вахима кўтаришнинг нима кераги бор? Ана шу андиша билан елкасига халатини ташлаб, шиппагини сарпойчан кийди-да, секин йўлакка чикди.

Ўзундан-узун, нимкоронги йўлак хувиллаб ётарди. Кария кадамини авайлаб босиб, йўлакнинг бу бошидан у бошигача уч-тўрт кур бориб келди. Буни карангки, нияти холис-да, дард чекиниб, рухи анча тетиклашди, огрик ҳам аввалги шаштидан кайтди. Хонасига эндигина кирмокчи бўлиб турган эди, бирдан аллакандай шитирлаган сас уни така-так тўхтатди. Шу якин-ўртада нимадир гийчиллади, сўнг сал наридаги эшик кия очилиб, пичир-пичир овозлар эшитилди, ораликдан тушган нур йўлакни лип этиб бир ёритдию яна сўнди. Нима гап ўзи? Кария беихтиёр бурчакка капишди – синчковлигидан эмас, йўк – жиннига ўхшаб ярим кечаси йўлакда тентираб юрганини биров кўриб қолишидан ийманди. Аммо тасмадай нур йўлакни бир сония ёритган пайтда кия очилган эшикдан ок халат кийган бир аёл чикиб, зипиллаганча йўлак адогига караб кетганини илгади. Ё унга шундай туюлганмикан? Йўк, йўк, аник кўрди. Ана, йўлак охиридаги эшик туткичи шик этди. Кейин хаммаёкни кайтадан сукунат босди.

Кария, худди чакмок ургандай, гандираклаб кетди. Ё парвардигор! Ахир, йўлак охиридаги хозиргина туткичи маккорона овоз чиқарган ўша эшикдан... ахир, ўша эшикдан ўзи оиласи билан ижарага олган учта хонага кирилади-ку! Хотини ухлаб ётибди. Демак, халиги аёл, – йўк, янглишиши мумкинмас, – хиёл олдин бегона эркакнинг хонасидан яширикча чиқкан ўша аёл – кизи, ўн тўккизга тўлиб-тўлмаган кизалоги Эрна экан-да!

Кариянинг аъзойи бадани титраб кетди. Эх, болагинам, жигарбандим... нахотки? Йўк, бўлиши мумкинмас, у хато кияпти! Унда бегона эркакнинг хонасида нима килиб юрибди?! Кария бу фикрни миясидан юлиб ташламокчи бўларди-ю, аммо бир кўриниб гойиб бўлган аёлнинг кўланкаси кўз ўнгидан нари кетмасди. Бу кўланкадан кутулиб бўлмайди, уни юлиб ташлашнинг иложи йўк. У хакикатнинг тагига етиши керак! Нафасини ичига ютиб, деворни пайпаслаганча кизи яшаётган хона эшигига якинлашди. Кай кўз билан кўрсинки, эшик тиркишидан, факатгина шу эшик тиркишидан ингичка, оппок нур сизиб чикмокда эди. Кечаси соат тўртда хонасида чирок ёниб турибди! Тагин нима керак?! Мана, яна битта исботи: электр тугмачаси ширк этди, нур чилвирини тун коронгиси ютиб юборди – йўк, йўк, ўзини алдаб нима килади – бегона эркакнинг хонасидан чикиб, ўз хонасига бебилиска кириб олган аёл – ўз кизи, Эрна!

Кария, безгак тутгандай, хамон калтирар, танасидан совук тер куйилар эди. Бир кўнгли, эшикни бузиб кириб, бежаё кизини роса дўппосламокчи бўлди. Аммо оёқлари итоат

этмади. Хонасига судралиб кириб, яраланган жонивордай ўзини каравотга ташлади. Соломон бобо алламахалгача кимир этмай, коронгиликка термилиб ётди. Мияси говлаб кетган эди. Ёнгинасида хотини пишиллаб ухлаб ётарди. Нима килсин? Уни уйготиб, захрини сочсинми? Кизининг кирдикорини ошкор этиб, гўрига гишт каласинми? Жиллакурса, кўнглини бўшатиб олади-ку, ахир. Хай-хай-хай! Бу шармисорликни кайси тил билан гапиради? Йўк, айтолмайди, айтолмайди. Хўш, унда нима килиш керак? Нима килиш керак!

У фикрини жамлашга уринар, аммо уддасидан чиколмасди. Кандай дахшат! Унинг кизалоги, эркатои, кўзлари мусаффо, нигохи мулойим арзандаси... Э, фалак! Алифбони олдига кўйиб, пуштиранг бармоқчасини нотаниш харфларга биттама-битта теккизиб, савод чиказгани куни кеча эмасмиди, ахир! Уни олиб кетишга мактабга борганида хаворанг кўйлагининг этаklarини хилпиратиб чопиб чикканлари, йўл-йўлакай унга ширинликлар олиб бергани, бунга жавобан кизчаси унинг бўйнидан кучоклаб, шира лаблари билан юзидан чўлп-чўлп ўпганлари... Э вох... кечагина эмасмиди! Мана энди, икки кадам нарида, ўша киз бегона эркакнинг кўйнига кириб чикиб, ҳеч нарса кўрмагандай сулайиб ухлаб ётибди!

“Ё алхазар, ё алхазар! – Кария инграб юборди. – Кандай шармандалик, кандай шармандалик! Менинг кизим, бокира кизалогим аллакандай эркак билан... Ким ўша эркак? Келганларига атиги уч кун бўлди, анави олифталардан бирортасини ҳам Эрна илгари танимасди – на граф Убальдини, на итальян зобитини, на мекленбурглик баронни. Улар билан келган кунларининг эртасига ракс пайтида танишишган, аллакачон ўшалардан биттаси... Хўш, кизи кайси бири билан... Балки у биринчи эркакмасдир, балки Эрна бунака ишни анча илгари, уйдалигидаёк бошлаворгандир... мен ахмок ҳеч нарсани пайкамай юравергандирман?... Вой лакма-ей, вой мияси айниган чол-эй... Дарвоқе, хотиним билан кизим хакида нималарни биламан? Уззукун ўшалар учун ишлайман, идорада ўн тўрт соатлаб ўтираман, илгари-ку умрим поездда ўтарди, кўлимда – хилма-хил матоларнинг лахтаklари солинган чамадон... пул учун... азбаройи кизим билан хотиним ҳеч нарсадан зорикмасин, хохлаганларини еб, хохлаганларини кийишсин деб шундай килардим. Кечкурун хориб-чарчаб ишдан кайтганимда уйда ҳеч ким йўк: улар ё театрга, ё ракс майдонига, ёки мехмондорчиликка кетган бўлади. Кунни кандай ўтказишади – билмайман. Энди шуни билиб турибманки, кизим, худди кўчадаги фохишалардай, тунлари покиза танасини бегона эркакларга бахшида этаркан. Ё раббий, бу кандай разолат!”

Кария яна ингради. Хар бир янги тахмин, янги шубҳа-гумон ярасини туз сепгандай ловуллатарди; назарида мия-си кок иккига бўлингану ана шу иккита косадаги бўтка ичида сон-саноксиз курт-кумурска гужгон ўйнаётгандай...

“Нега шу пайтгача чидаб келдим?... Нима учун мен бу ерда тўлганиб ётибман-у, анови суюкоёк бемалол хурракни отяпти? Изидан хонасига бостириб кириб, ковургаларини майда-майда килиб ташласам бўлмасмиди? Йўк, бўлмайди... Чунки мен заифман, мен кўркокман... Хамма вақт уларга ён босиб келганман. Ўзим итдай ишласам ҳам, кизим билан хотинимни яйратиб кўйганимдан фахрланардим, бир тийинни етти жойидан тугиб, топганимни уйга таширдим. Мана, окибати... Коринлари тўйдю мендан ор киладиган бўлиб қолишди... Ха-да... мен – колокман, мен – чаласаводман... Тавба, менда савод нима килсин? Ўн икки ёшимда мактабдан чиқариб олганлар. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаганман, лахтак кўтариб кишлокма-кишлок, сахарма-сахар изгиганман. То бир ишнинг бошини тутиб, каддимни ростлаб олгунимча тортмаган

азобим, чекмаган укубатим колмаган. Хозир бировдан кам ерим йўк, уй-жо-йим бадастир, мол-мулким, давлатим етарли. Аммо барибир тилим кисик. Баъзан хакалак отган нафсларини сал ти-йиб кўймокчи бўлсам, осмонга сапчишади; раҳматли онам факат оилам деб, рўзгорим деб яшарди десам, бурунларини жийиришади. Хўп, мен – колокман, ўкимаганман. Аммо колоксиз деб мандан ор киладиган кизим негадир бегона эркакнинг кўйнига кириб ётишдан ор килмайди. Биттаю битта кизим, кўзимнинг оку кораси... Ё тангрим, кандай бедодлик бу!”

Кария каттик ух тортган эди, хотини уйғониб кетди. “Ха-а, нега пишкиряпсан?” деб сўради у уйкусираб. Соломон бобо мик этмади. Шу ётганча эрталабгача мижжа кокмади. Нонуштага хаммадан барвакт келди. Огир хўрсиниб стол ёнига чўкди-ю, аммо дастурхондан юзини четга бурди.

“Яна ёлғизман, – деб ўйлади у, – хар доим ёлғизман. Эрталаб ишга кетаётганимда булар ухлаб ётган бўлади. Театрми, бирор зиёфатми, аллақайси гўрдан тинкалари куриб келишади-да. Кечкурун уйга кайтганимда яна ҳеч ким йўк – ким билади кандай давранинг гули бўлиб ўтиришган экан? Эҳ, пул ўлсин-а, пул ўлсин! Уларни пул бузди... пул бизни бир-биримиздан айирди. Мен ахмок пулнинг кетидан кувиб юриб- ман-а! Мана окибати – пул мени шип-шийдон килди, уларни эса ёмон йўлдан етаклаб кетди. Эллик йил хўкиздай ишлаб, хордик нималигини билмай орттирганим шу бўлдим! Мана, бир ўзим сўппайиб ўтирибман...”

Хотини билан кизидан хамон дарак йўк. “Нега Эрна келмаяпти? Очикчасига гаплашмасам бўлмайди... Хаммасини юзига шартта-шартта айтаман... Кетамиз, дейман... шу бугунок жўнаймиз, дейман... Негача келмаяпти? Ха-а, уйкуга тўймаган-да, сабаби маълум... Онаси-чи?.. Э-э, тошойнанинг олдида ўтирган сочини тараб. Кейин тирнокларини бўяйди, сартарошхонага киради, упа-элик дегандай... Соат ўн бирсиз кўли бўшамайди. Онаси шу бўлгандан кейин – кизи нима бўларди? Хэ-э, пулни ўйлаб топгани!..”

Орқадан кадам товушлари эшитилди. “Яхши ётиб турдингизми, дадажон?” – шу саволдан кейин аёл кишининг мўъжазгина боши елкаси оша энгашиб, нафис лаблар хиёлгина чаккасига тегди. Кария беихтиёр бошини четга торт-ди: кандайдир атирнинг чучмал хиди унга ёкмаган эди.

– Нима бўлди, дадажон? Негача авзойингиз бузук? Ухлолмадингизми ёки ёмон туш кўрдингизми?

Соломон бобо газабини ичига ютди. Бошини куйи эгиб, кизининг саволига “Йўк, хаммаси жойида!” дея гудраниб жавоб кайтарди. Кейин унга карамаслик ниятида апил-тапил газетани очиб, юзини тўсди. Кўллари бетўхтов калтирарди. “Хозир, онаси йўклигида хамма гапни гапиришим керак. Хозир айна пайти!” дерди у ичида, бироқ тили калимага келмасди, хатто кизининг кўзларига карашга хам журъат этолмаётган эди.

Бирдан у шартта ўрнидан турди-да, бог томонга караб кетди. Юзидан оқаётган кайнок кўзёшларини кизи кўриб қолишидан андиша килди.

Оёқлари калта, пак-пакана кария бог ичида узок айланиб юрди, теварак-атрофни томоша килди. Ёш пардаси корачикларини тўсиб турган бўлса-да, гўзал манзарадан бахраманд бўлишига монелик килолмади: кўл сатхидаги кумушранг туман ортида кўм-кўк буталар билан копланган ўрқач-ўрқач тепаликлар, уларнинг орқасида эса баланд тоғ, гўё у хам кўл жамолига махлиё бўлгандай чуқур сукутга ботган. Яшнаб турган табиат бепоён кучогини очиб, хаммага бахт ва шодлик улашаётганга ўхшайди.

“Во дариг!.. – дея кария алам билан бош чайкади. – Умримнинг эллик йилини чўт кокиш,

хисоб-китоб, савдо-сотик билан ўтказиб, биринчи марта ўзимга мана шундай кунларни раво кўрган эдим-а!.. Буям харомга чикди. Олтмиш бешга кирибман. Бу ёғи канча колди – ёлғиз худога аён. Хар холда тўримдан гўрим якин. Азроил эшик кокиб турганда на пул, на бойлик, на дўхтир орага туша олади. Гўрга кирмасимдан олдин мен хам одамга ўхшаб бир дам олай деган эдим-да. Э, аттанг, аттанг! Рахматли отам айтарди-я: “Бизнинг пешонамизга хузур-халоват битилмаган, сен меҳнатга тугилгансан, ўлгунигча меҳнат хуржунини елкангдан ташлама!” дерди-я! Мен гумрох отамнинг ўгитини унутибман. Лекин кечагина бахтиёр эдим-ку... Чиройли, хушчакчак кизимга хавас билан тикилардим, кувончига хар дакика шерик бўлардим-ку. Мана, худо мени жазолади. Хамма нарсадан мосуво бўлдим. Энди ўз кизим билан гаплашолмайман, кўзларига тик каролмайман. Энди каерда бўлмайин – уйдаими, ишхонадаими, кечасими, кундузими – хозир кизим каердайкин, каерга бориб келдийкин, нима иш килдийкин, деган саволлар таъкиб килаверади мени. Энди уйга хотиржам кайтолмайман. Бир махаллар кизим чопиб келиб бўйнимдан кучганида яйраб кетардим. Энди эса ўпгудай бўлса, бу лаблар кеча кайси лабга босилган эди, деган ўй кечади кўнглимдан дарров. Йўклигида ташвишга тушсанг, борлигида кўзига карай олмасанг – шу хам хаёт бўлди-ми? Йўк, бундай яшагандан ўлган яхши!”

Соломон бобо богдан чикиб, алламахалгача шахар кўчаларида бемаксад тентираб юрди. Бир дўконнинг кўргазмаси олдида негадир тўхтаб колди. Ойна ортида сайёҳларга керакли турли-туман буюмлар осиглик турарди: соябони кенг енгил бош кийимлари, яктаксимон оппок кўйлақлар, спорт анжомлари, галстуклар, кармоқлар... Аммо кария ана шу нарсалар орасига пала-партиш ташлаб кўйилган, бир учига темир пойнак ўрнатилган гадир-будир таёкдан кўзини узолмасди; агар шу таёк билан кулочкашлаб битта-яримтанинг бошига солсанг борми!..

“Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!” – Кўккисдан миясига келган бу фикр-дан типирчилаб колган кария шошиб дўконга кирди-да, халиги таёкни арзимаган пулга сотиб олди. Ўаройиб куролни кўлига ушлаши билан билагига куч кирганини хис этди. Хар кандай курол нимжон одамни хам ботир килиб юборади-да. У таёкни каттикрок кисди, шу захоти кўлининг мушаклари таранглашганини сезди. Дўкондан чикиб, кўл бўйидаги йўлкада тез-тез у ёқдан-бу ёқка юра бошлади. Хадемай жикка терга ботиб кетди, аммо бу тер тез юрганидан эмас, вужудини забт этган кахр-газабнинг зўрлигидан куйилмоқда эди. Тилида факат бояги гап айланарди: “Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!”

Шу алфозда, номаълум душманни кидириб, сал наридаги улкан дарахт остига курилган пастак шийпонга караб юрди. У янглишмаган эди: шийпоннинг бир бурчагида тўкима креслоларга ястанганча, похол найчалардан ора-сира виски симириб, кизи билан хотини ва, албатта, халиги уч нафар киндиги бир олифталар валаклашиб ўтиришарди. “Кайси бири экан? – деб ўйларди чол таёкни махкам кисганча. – Кайси бирининг бошини ёрай?!” Аммо шу пайт Эрна отасини кўриб қолиб, сапчиб ўрнидан турди-да, чопиб олдига келди. – Каерда юрибсиз, дадажон? Кидирмаган еримиз колмади. Биласизми, жаноб фон Медвис бизни мошинасида кўл атрофини айлантирмокчи, кейин сохил бўйлаб Дезенцаногача олиб бораман, деяпти. – Эрна отасини столча ёнига судраб келди. Эркаклар сўрашиш учун ўринларидан туришди. Кария титраб кетди. Ёнида кизи турганидан ноилож халигиларга бирма-бир кўл узатди, кейин чўнтагидан сигара чиказиб, жахл билан огзига тикди. Сал ўтмай, француз тилида кечаётган баланд пардали сухбат шаршара мисол яна ўз ўзанига кайтди.

Соломон бобонинг иродаси букилган эди. Огзидаги сигарани чайнаганча ич-этини еб

ўтираверди. “Тўгри килишади... Улар ҳақ... – деб ўйларди у. – Юзимга тупирса ҳам арзийди. Ўзим кўл бердим-ку. Аммо шулардан биттаси кизимни йўлдан ургани аниқ. Мен эшшак индамай ўтирибман-а! Ҳеч кимни ўлдирганим йўқ, ҳатто чертмадим ҳам... Аксинча, сўлжайиб кўлимни узатдим. Баттар бўл, қария! Устимдан ҳар қанча қулишса ҳам кам. Мен борманми, йўқманми – ким эътибор беряпти? Улар учун мен тирик мурдадай бир нарсаман. Ахир, кизим билан хотиним француз тилини тушунмаслигимни билишади-ку. Билиб туриб, ҳар замонда мен томонга бир кўз ташлаб ҳам қўйишмайди. Яқинларим учун ҳам мен йўқман-да! Уларга фақат менинг пулим керак. О, пул, пул! Хаммани йўлдан оздирадиган гаддор! Хотиним билан кизим менга ҳам бир-икки оғиз лукма ташлаб қўйишса нима қиларкан? Кўзлари фақат анови эркакларда! Мен бўлсам тоқат қилиб ўтирибман. Урмайманми, ўлдирмайманми! Эҳ, кўрқок, кўрқок...”

– Мумкинми? – деди бузук немис тилида италян зобити ва заживалкага кўл узатди. Ҳаёлга чўмган қария сесканиб кетди ва ҳеч нарсадан беҳабар зобитга еб юборгудай кўзини қадади. Жони ҳал-қумига келиб, кўлидаги таёкни жазава билан қисди. Аммо шу захоти лаблари қийшайиб, маъносиз тиржайди.

– О, мумкин, мумкин, – деди у овози титраб. – Сизга ҳамма нарса мумкин, ҳе-хе... кўнглингиз нимани тусаса қилаверасиз, ҳе-хе... менда нимаики бўлса, сизнинг хизматингизда... Мен нима дея олардим...

Зобит қарияга таажжубланиб қаради. Тилни яхши билмагани учун кесатикнинг тагига етолмади. Аммо чолнинг юзидаги ифода уни довдиратиб қўйди. Беихтиёр ўрнидан туриб кетди, иккала аёлнинг юзи доқай оқарди – орага зилдай сукунат чўқди. Қария яна аввалги ҳолатига қайтди, юзидаги истехзо бир зумда гойиб бўлди, залворли таёк кўлидан сирғалиб чиқиб, тиззалари орасига қисилиб қолди. У сувга бўққан мушукдай гужанак бўлиб, хозиргина намойиш этган жасоратидан хижолат чеккандек секин йўталиб қўйди. Эрна ноҳуш вазиятни юмшатиш мақсадида бир нималар деб бидирлай кетди, зобитнинг чехраси тагин ёришди, ҳаял ўтмай узилиб қолган суҳбат яна қозондай қайнай бошлади.

Соломон бобо шод-хуррам чакчаклашаётган одамлар орасида мум тишлаб ўтирар, боши ҳалигидан ҳам қуйроқ эгилган эди. Аммо энди унга ҳеч ким эътибор бермас, унинг мунгли сукути узра сўз пўртанаси авжга чиқар, ора-сира қийкирик ва қахқах кўпиги осмонга сапчир, шўрлик қария эса алам ва номуснинг бепоён зулумоти қаърига гарк бўлиб кетган эди.

Эркаклар ўринларидан туришди, Эрна шошиб уларга эргашди, сал ўтказиб онаси ҳам кўзгалди. Улар тўдалашиб меҳмонхонага қараб кетишди, аммо мудраб ўтирган чолни таклиф этиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Қария атрофида кўкқисдан ҳосил бўлган бўшлиқни сезиб, кўзларини очди, бўшаб қолган креслоларга лоқайд назар ташлади, шу пайт қулогига меҳмонхонада қалинаётган рояль овози, аёлу эркакларнинг шодон қийкириклари эшитилди. Раксга тушишяпти! Ҳа, сулайиб қолгунча раксга тушиш қўлларида келади. Қонлари кўпиради, бир-бирларининг багирларига баттарроқ ёпишишади, кейин қарабсизки...

У жаҳл билан таёкни яна кўлига олиб, ўша томонга юрди. Эшик олдида такка тўхтаб қолди. Барон рояль ёнида ярим ўгирилиб ўтирар, тусмоллаб американча бир қуйни тингиллатарди. Эрна зобит билан, онаси граф Убалди билан раксга тушаётган эди. Аммо қария фақат Эрна ва зобитдан кўз узмасди. Вой ярамас-эй! Худди маҳрига тушгандай кизининг белидан маҳкам қучоқлаб олибди-я! Кизи-чи, кизи, намунча канадай ёпишмаса! Бир-бирига қапишиб кетибди-ку! Ҳа, шу, шу. Уларнинг ҳар бир ҳаракати дон

олишганидан далолат бериб турибди. Ха, кизини йўлдан урган мана шу аблах! Ярим юмук кўзларидан бундан-да кучлирок лаззат хотираси учкун сачратяпти. Киз ўгриси – шу зобит! Кария кизини унинг багридан тортиб олиш учун бир кадам олдинга ташлади. Лекин Эрна отасига кайрилиб ҳам карамади. У бутун борлиги билан ракс охангига берилиб кетган, шу тобда киз куй окими узра парвоз килар, на замонни, на маконни, на безгак тутгандай калтираб турган аламзада отасини пайкар эди. Хозир Эрна факат оханг гирдобиди чирпираётган дуркун гавдасини, кўзлари хирсга тўла эркакнинг иссик нафасини, унинг бакуват кўлларини хис этар, ўзини буткул зобит ихтиёрига топшириб кўйишдан чўчир, аллакандай бир тизгинсиз хошиш васвасасига карши курашар эди. Буларнинг барини кария адоксиз бир азоб билан сезиб турарди. Хар гал Эрна отасининг олдидан чир-чир айланиб узоклашганда кария кизидан бир умрга жудо бўлаётгандай инг-раб юборарди.

Бирдан, бамисоли узилган тордай, мусика такка тўхтади. Барон сапчиб туриб, “Бўлди, чалмайман. Мен ҳам раксга тушаман”, деди французчалаб. Хаммалари кийкириб кулишди, ракс-га тушаётганлар ажралишиб, бир ховуч жамоа мехмонхона бўйлаб таралиб кетди.

Кария хушига келди: нимадир килиш керак, нимадир дейиш керак! Бунака, тўнкага ўхшаб туриш, бу кадар шалвираш ярамайди! Шу пайт рўпарасидан хотини ўтиб колди: хиёл хансираган, ўзида йўк хурсанд. Бирдан йўлини тўсди.

– Юр, – деди у кескин охангда, – айтадиган гапим бор!

Аёл эрига ажабланиб каради. Кариянинг рангпар юзи тер билан копланган, кўзлари ола-кула. Нима демокчи бу? Шу пайтда орага сукилиш шартмиди? Гапни чалгитишга огиз жуфтлади-ю, бироқ эрининг авзойидан хайикди, якингинада кўрсатган жазавасини эслаб, ноилож унга эргашди.

– Кечирасизлар, жаноблар, хозир келаман, – деди у эркакларга юзланиб.

“Булардан кечирим сўрайди, – деб ўйлади чол алам билан, – боя столдан туриб кетишганда мендан кечирим сўрашгани йўк. Мен улар учун итман, оёк артадиган латтаман. Тўгри килишади, ўзим чидаганимдан кейин, баттар бўлай!”

– Нима дейсан? – деб сўради хотини ниҳоят токати ток бўлиб.

– Хохламайман... хохламайман... – дея гудранди у титрок овоз билан, – анув одамлар билан ош-катик бўлишларингни хохламайман.

– Кайси одамлар билан? – дея кайта сўради хотини ўзини гўлликка солиб.

– Анувлар-да... – У боши билан мехмонхона томонга ишора килди. – Менга ёкмайди... йўк.

– Нима учун?

“Доим ўсмоччилагани ўсмоччилаган, – деди чол ичида гижиниб, – худди мен унинг кулиман”. Кейин хаяжондан тутила-тутила давом этди:

– Сабаби бор... Жиддий сабаблари бор... Менга ёкмаяпти. Эрна ўшалардан узокрок юрсин... Тушунтириб ўтиришим шарт эмас.

– Ундай бўлса, минг афсус, – деди хотини калондимоглик билан. – Учови ҳам бамаъни, маданиятли одамлар, уйимизга келиб-кетадиган пандавакилардан минг марта олижаноброк йигитлар.

– Олижаноб йигитлар эмиш!.. гирт ишёкмас, такасалтанг уларинг! – Кариянинг жони халкумига келди. – Такиклайман. Тушундингми?

– Йўк, тушунмадим, – деб жавоб берди аёл пинагини бузмай. – Хеч нарсага тушунмадим. Тавба, нима учун кизимни хузур-халоватдан махрум килишим керак?

– Хузур-халоват!.. – Кариянинг юзи бўғрикиб кетди, пешонасидан совук тер чикди, кўли

беихтиёр таёкка чўзилди – суянмокчи бўлдими, хотинини урмокчи бўлдими – ким билсин! Лекин таёк йўк эди. Шу хол уни ўзига келтирди, кўнгли андак юмшади, хотинининг тирсагидан ушламокчи бўлгандай бир кадам олдинга талпинди.

– Менга кара... – деди ялинчок товушда, – тушунсанг-чи, ўзимга ҳеч нарса сўрамаяпман-ку. Ўн йиллардан бери биринчи марта илтимос кияпман: кетайлик бу ердан... Флоренциягами, Римгами... майли, каёкка бўлса ҳам кетайлик... мен розиман... Сизлар нима десанглар – шу. Кетсак – бўлди. Илтимос, кетайлик... шу бугунок... ортик чидаёлмайман!

– Шу бугунок? – Аёл эрига анграйиб караб, кошени чимирди. – Шу бугунок кетайликми? Эсинг жойидами? Факат кимдир сенга ёкмагани учун-а? Ёкмаса – якинлашма.

Чол турган жойидан жилмади, яна ялинишга тушди:

– Чидаёлмайман... Эшитяпсанми... чидаёлмайман. Сабабини сўрама... илтимос... умрингда бир марта гапимга кир, бир мартагина...

Мехмонхонадан яна рояль овози эшитилди. Аёл эрига ачингандай каради: нақадар ночор, нақадар абгор, нақадар ношуд! Эркак ҳам шунака бўладими?!

– Иложи йўк! – деди у чўрт кесиб. – Улар билан сайрга чиқишга ваъда бериб қўйганмиз. Хоналарни уч хафтага ижарага олиб, эртага жўнаворсак устимиздан кулишмайдими! Кетишга ҳеч қандай сабаб йўк... Мен шу ерда қоламан, Эрна ҳам қолади.

– Ўзим кетаверайми, а? Бу ерда ҳаловатингизни бузаман-да, а! – Кария йиглаворай деди. Кейин кескин қаддини ростлади, бармоқлари мушт бўлиб тугилди, бўйин томирлари ўқлогдай бўртиб чикди. Афтидан, нимадир демокчи ёки нимадир килмокчи эди. Аммо бундай бўлмади: шартта бурилди-да, зинапоя томонга йўл олди, худди ортидан биров қувиб келаётгандай тез-тез юриб тепага қўтарилди бошлади.

Соломон бобо хансирар, тезрок хонасига етиб олиб, ёлғиз қолишни ўйларди. Мана, юкори қаватга ҳам чикди, чикдию бирдан кимнингдир ўткир тирноқлари ичини аёвсиз тимдалаётгандай бўлди. Ранги оқариб, деворга суяниб қолди. Ё раббим! Додлаб юбормаслик учун тишини тишига босди, санчикнинг зўридан гужанак бўлиб олди. Билдики, яна жигар хуружи, кейинги пайтларда тез-тез такрорланиб турадиган хуружларнинг навбатдагиси. Аммо бу гал каттик ушлади. Кўринмас тирноқлар жигарини тилка-пора қилмокда эди. Хонасига судралиб кириб, ўзини диванга ташлади-да, юзини ёстикка босди. Ётганидан кейин оғрик сал пасайди. “Иссик нарса қўйиш керак, – деди у ичида, – кейин томизги дори ичиш зарур”. Аммо унинг жонига ора қирадиган ҳеч ким йўк эди, ҳеч ким. Ўзининг эса қўшни хонага чиқишга ёки лоқал кўнгирок тугмачасигача етиб боришга ҳам чоғи келмасди.

“Ҳеч ким йўк, – дея ўйларди у алам билан, – бир кунмас-бир кун ёлғизликда итдай ўлиб кетаман... Сезиб турибман-ку, жигарим оғриётгани йўк, ўлим писиб келмокда... Энди менга на профессор, на дори-дармон ёрдам бера олади. Олтмиш беш ёшда соғайиб кетиш кийин. Биламан, ичимни кемираётган оғрик, бу – ўлим, қолган икки-уч йиллик умр – умр эмас, секин-секин жон таслим қилиш... Дарвоқе, қачон яшаганман, қачон ўзим учун яшаганман? Шу ҳам хаёт бўлдими? Нукул пул дедим, пулнинг кетидан югурдим, ўзим учун эмас, бошқаларни деб югурдим, мана, энди ўша пуллар қоримга ярайдими? Хотиним бор эди: боқиралигида уйланганман, севганман, у менга фарзанд ҳадя этди. Шунча йилдан бери бир ёстикка бош қўйиб келдик, бир хаводан нафас олдик.

Пировардида уни нима жин урди? Еттиёт бегонага айланди-қолди. Мен билан иши йўк, менинг туйғуларим, ўйларим, изтиробларим уни қизиктирмайди. Олдинги меҳр-оқибат қаёкка кетди? Қизим-чи, қизим? Уни папалаб қатта қилган эдим, хаётимиз энди яна ҳам

сермазмун, яна ҳам хушнуд кечади, мабодо куним битса умрим кизим вужудида давом этади, деб ўйлагандим. У бўлса кечаси багрингдан чикиб кетиб, бегона эркакларнинг тўшагига киради. Ё алхазар! Алхазар!”

Дахшатли огрик хануз ўқтин-ўқтин жигарига чанг солар, бу огрик сал пасайиши билан ундан-да шафкатсизрок бошка бир огрик – зил-замбил, адоги йўк ўй-хаёллари бамисоли чўгдай кизиган серкирра чакмоктошдай бош чаногини тарс ёрвораман дерди. Кария камзулининг тугмаларини ечган эди, бесўнакай корни кўйлагини канордай шишириб тепага кўпчиб чикди. У огриётган жойига охиста бармогини теккизди. “Факат мана шу – менман, – дея яна ўй суриб кетди чол, – иссик тери остидаги огриккина менинг ўзимман, менга хозирча факат шугина тегишли. Энди тижоратчи Соломон ҳам, савдо-сотик ҳам, ишхона ҳам, пул ҳам, уй-жой ҳам, кизиму хотиним ҳам йўк... Хозир менга факат бармоқларим сезиб турган нарса – корниму огрик колган. Бошка хаммаси – пуч бир сафсата, энди уларнинг ахамияти йўк. Кизим билан хотиним мени тушунмайди, мен ҳам уларни тушунмайман. Буткул танхоман – буни ҳеч қачон хозиргидай яққол хис этмаган эдим. Энди, ўлим ичимга ин қураётган пайтда, бехато англаб турибман... жудаям кеч, олтмиш бешга кирганда. Хадемай ўламан... анови уятсизлар раксга тушишади, кайф-сафо килишади... Э, аттанг, аттанг... бутун умримни ўша кўрнамакларга багишлабман-у, ўзим учун бирор кун ҳам яшамабман...”

Кария кўл томондан келаётган соат зангини эшитмади, кош кораяётганини пайкамади. Тун яқинлашаётган, хонадаги буюмлар узра окшом аста-секин кора парда тутмоқда эди; ана, деразадан хиёл оқариб кўриниб турган осмон шамчироги ҳам сўнди. Соломон бобо ўзини куршовга олаётган коронгиликни сезмасди: у факат танаси қаъридаги зулматга термилар, факат танаси қаъридаги бўшликка кулок соларди.

Бирдан ёнидаги хонага шўх-шодон кулги ёпирилиб кирди, эшик тиркишида чирок шуъласи ялтиллади. Кария кўрка-писа бошини кўтарди: кизи билан хотини! Хозир диванда ётганини кўришади, хўжакўрсинга сўрокка тутишади. Чол шоша-пиша камзулининг тугмаларини кадади: касали хуруж қилганини билиб нима килишади, бунака ташвишнинг уларга нима кераги бор?

Аммо хотини ҳам, кизи ҳам уни кидирмади. Иккови ҳам типирчилаб турарди. Бонг зарби учинчи марта кечки овқатга чорламоқда эди. Кийимларини алмаштиришяпти шекилли, тик этган товуш эшитилиб турарди. Ана, жавон галадонларини тортишди; ана, ювинадиган хонада тилла узуклар жиринглади, улоктирилган туфлилар тараклади, шу орада ўзларининг чакаклари ҳам тинмади. Бари кариянинг кулогига баралла эшитилмоқда эди. Аввалига йигитлари тўгрисида гаплашишди, сўнг сайр чогидаги кизик-кизик воқеаларни эслаб, роса кулишди. Ювинаётган, соч тараётган, юзларига упа-элик сураётган пайтларида ҳам бир-бирларига лукма ташлаб туришди. Нихоят, гал ўзига келди.

– Дадам қани? – дея бирдан эслаб колди Эрна.

– Қаёқдан биламан? – деб жавоб берди онаси энсаси котиб. – Эхтимол, пастда ўтиргандир, Франкфурт газетасидаги биржа хабарларини юзинчи марта ўқиётгандир – бошка қиладиган иши йўк-да. Лоакал бирор марта кўлга назар ташлаганмикан? Ўлай агар, қайрилиб ҳам карамаган. Бугун нима дейди, дегин. Бу ер менга ёкмаяпти, кетамиз, шу бугунок кетамиз, дейди.

– Шу бугунок? Нега энди?

– Билмасам. Итфеъл-да! Атрофдаги одамлар, биз танишган улфатлар асабига тегаётганмиш. Балки уларнинг орасида ўзини олақаргадай сезяптими, ким билади...

Качон карасанг, эгнида гижим костюм, кўйлаги ёкавайрон. Айт-санг бўлмайдами – ҳеч бўлмаса кечкурунлари тузукрок кийинса ўладими! – сенинг гапингга киради. Бугун эрталаб лейтенантга ташланиб колганини кўрдингми? Ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим!

– Ха, ха... Нега унака килди? Сиздан сўрайман дейман-у, нукул эсимдан чикади. Нима килик бу? Ҳеч қачон уни бунака кайфиятда кўрмаган эдим. Оғзим очилиб колди.

– Парво килма. Дадангнинг феъли ўзингга маълум. Балки биржадаги нарх тушиб кетгандир ёки французча гапирганимиз ёкмагандир. Бошқаларнинг хурсандчилигини кўролмайди. Пайкадингми: раксга тушаётганимизда эшик олдида кўрикчидай каккайиб турволди. Кетармишмиз! Вой, кўнглинг-нинг кўчасидан ўргилдим! Сенга ёкмаса – бировларнинг халоватини бузишинг керакми! Билганини килсин – кетадими, қоладими – ихтиёр ўзида.

Сухбат узилиб колди. Афтидан, кўчага югуришга тайёрланиб бўлишди. Худди шуни кутиб тургандай, йўлакдаги эшик тикиллади, кадам товушлари эшитилди, электр тугмачаси ширк этди, чирок ўчди.

Кария диванда мик этмай ўтирарди. Энг кизиги, энди у оғрикни сезмас, калбида нафрат ҳам, газаб ҳам... ҳеч нарса, ҳеч қандай ҳиссиёт йўқ эди. У шошмасдан костюмини кийди, зинапояни битта-битта босиб ресторанга тушди-да, гўё еттиёт бегона одамлар каторига кўшилгандай, хотини билан кизининг ёнига чўкди.

Тамадди пайтида у бир оғиз ҳам гапирмади, аёллар эса кўргошиндай зил-замбил сукунатга эътибор беришмади. Кария индамай, гап-сўзсиз ўз хонасига кўтарилди, каравотига чўзилиб, чирокни ўчирди. Алламаҳалда, кўнгилхушликка обдон мирикканидан сўнг хотини келди; коронгида ечиниб, ўз ўрнига ётди. Кўп ўтмай унинг вазмин, бир текис нафас олаётгани эшитилди.

Кария ўз ёгига ўзи коврилганча, кўзларини катта-катта очиб, тун уммонига унсиз тикилиб ётарди. Ёнгинасида эса кимдир пишиллаб ухларди. Кария ўзи билан бир хаводан нафас олаётган бу аёлнинг қачонлардир покиза ва эхтиросли навжувон бўлганини, унга ардокли фарзанд ҳадя этганини, ўшанда булар аллақандай сирли-сехрли ришталар билан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганини эслашга уринди. Ўша дамлар бу жувоннинг таранг ва кайнок баданини энтика-энтика силаб-сийпаганига зўр бериб ўзини ишонтирмоқчи бўлди. Аммо ўтмиш хотиралари унда ҳеч қандай ҳиссиёт кўзгамади. Шу тобда у хотинининг нафас олишини худди киргокка урилаётган кўл мавжининг шалоп-шулупини эшитгандай локайдлик билан эшитиб ётар эди. Бари ўтди, бари тугади, факат тасодифий ва ёт кўшнилик колди, холос. Уни яна бир марта сескантирган нарса шу бўлдики, кизининг эшиги охиста, гўё инграгандай, хиёл гийчиллаб очилди. “Бугун ҳам шу ахвол!” деб ўйлади чол ва шундоқ ҳам илвираб турган юрагига игна санчилгандай бўлди. Лекин бу холат ҳам тезгина ўтди: “Билганини килмайдами! Менга нима!”

Кария яна ёстикка суянди. Тун ели пешонасини силади, кайнаб турган кони сал совиди. У уйкуга кетди.

Хотин эрталаб кўзини очганида эрини пальто ва шляпада кўрди.

– Каёкка? – деб сўради у уйку-сираб.

Соломон бобо кайрилиб карамади ҳам. Индамай тунги кўйлагини чамадонга ташлади.

– Биласан-ку, уйга кайтйпман. Зарур нарсаларнигина опкетйпман, колганларини жўнатиб юборарсизлар.

Хотинининг капалаги учиб кетди. Нима бўляпти? Бунака совук, дагал овозни биринчи

эшитиши. Сапчиб ўрнидан турди.

– Нахотки кетсанг? Шошма... биз ҳам кетамиз, Эрнага айтганман.

Кария бепарво бош чайкади.

– Йўк... йўк... колаверинглар... – шундай деб эшик томон юрди, туткични босиш учун чамадонни ерга кўйиш керак эди.

Мана шу бир лахзалик фурсат ичида кўнглидан нималар ўтмади дейсиз! Мато намуналари – лахтаклар солинган молтопар чамадонини бировларнинг эшиги олдига минг марталаб кўйгандир-ов! Хайрлашатуриб мижозларига ялтоклангани, хамиша хизматингиздаман, дея кайта-кайта кулдук килганлари-чи! Аммо бу ерда хизмати тугади, кулдук килиш шарт эмас. Кария бирор огиз сўз айтмай, хатто нигохи оркали бўлса-да хайрлашмай, шартта чамадонни кўтарди ва ўзи билан ўтмиши ўртасидаги эшикни карсиллатиб ёпди.

Нима ходиса рўй берганини на она англади, на фарзанд. Бундай ногохоний ва катъий хатти-харакат уларни карахт килиб кўйган эди. Зудлик билан Германиянинг жанубидаги ўзлари яшайдиган шаҳарчага, падари бузруквор номига хат йўллашди. Хатда англашилмовчилик содир бўлгани ёзилган, “яхши етиб олдингизми, соглигингиз дурустми, биз ҳам оркангиздан етиб борамиз” каби узр-маъзурлар изхор этилган эди. Соломон бобо хатга жавоб кайтармади. Улар яна ёзишди, телеграммалар жўнатишди – фойдаси бўлмади. Факат Соломон бобо рахбарлик киладиган фирмадан хатлардан бирида сўралган пулни олишди, холос. На салом бор, на алик.

Воқеанинг бундай тус олиб кетиши уларни иссик жойидан кўзгатди. Гарчи кайтадиган кунларини олдиндан хабар килган бўлсалар-да, вокзалда она-болани ҳеч ким кутиб олмади, уйда ҳам бирон-бир тараддуд кўрилгани сезилмасди: хизматкор аёл, хўжайин телеграммани стол устига ташладию индамай чикиб кетди, ҳеч қандай юмуш буюргани йўк, деди. Кечкурун, она-бола овкатланиб ўтирганда, ниҳоят, кўча эшиги тараклади, икковлари сапчиб туриб, валинеъматнинг истикболига югуришди; кария буларга тааж жубланиб каради-ю, юзида бирон бир ифода акс этмади, кизи кучоклаганида кетмон сопидай котиб тураверди, биргалашиб ошхонага кирди, уларнинг гап-сўзларини лоқайдлик билан эшитди. Ҳеч нарсани сўраб-суриштирмади, чурк этмай сигарасини сўриб ўтираверди. Гўё кўзлари очик холда ухлаётганга ўхшарди. Кейин вазминлик билан ўрнидан туриб, хонасига караб кетди.

Кейинги кунлар ҳам шундай ўтди. Хотини минг ялтокланмасин, пинагини бузмади. У ўз қобигига ўралиб олган, ташки дунё билан буткул алокани узган эди. Тўғри, ҳамон оила аъзолари билан бирга овкатланар, мехмон келганда ноилож кутиб олар, аммо сухбатга кўшилмас эди. Унинг кўзларига караган одам сесканиб кетиши аниқ эди, чунки бўшликка тикилган бу жонсиз нигоҳдан ҳеч қандай маънони укиб бўлмасди.

Кариянинг юриш-туришидаги галатилик бошқаларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Таниш-билишлари уни кўчада учратиб қолса, яширинча бир-бирини туртиб кўярди: кара-я, шаҳарнинг энг бадавлат кишиларидан бўлмиш Соломон бобо шундок ахволга тушиб қопти-я! Уст-боши тиланчиникидан фарқ қилмайди, шляпаси кийшайган, юриши ҳам соғ одамникига ўхшамайди, нукул ўзи билан ўзи гаплашади. Биров салом берса, чўчиб тушади, ким гапга тутса, кўзини олиб қочади. Баъзилар, кария гаранг бўлган, деб ўйлаб, овозини кўтариб гапирарди. Лекин у гаранг эмасди. У пароканда хаёллар огушида яшарди. Шу боисдан ҳеч кимни йўқламас, уйда эса на хотинининг унсиз хасратини, на кизининг ажабтовур паришонлигини пайқар эди. Бора-бора бутун умрини багишлаган ишидан ҳам йироклашди. Идорасига ахён-ахёнда бир кўриниш берар, шунда

хам кабинетига кирволиб, столи устидаги ечимини кутаётган сон-саноксиз хужжату мактубларга маъносиз тикилганча ўтира-ўтира, бирорта когозга кўлини хам теккизмай кайтиб кетар эди. Пировард-окибат бу ерда ўзининг ортикча эканини англаб, бутунлай келмай кўйди.

Бир куни она шахри кўчаларида дарбадар одамдай тентираб, коронги тушганда уйига кайтаётган эди, шаррос ёмгир куйиб берди. Хаял ўтмай эзилган шляпасининг тепаси жажжи ховузчага айланди, этак ва ёнларидан ёмгир суви чакиллаб эмас, жилгадай оқа бошлади. Аммо қария бунга эътибор бермас, бўм-бўш кўчада бир ўзи шошмасдан кадам ташларди. Шалаббо холда манзилига якинлашганда хашаматли бир мошина ёнидан лой сачратиб ўтди-да, унинг дангиллама уйи олдида тўхтади. Мошинадан хотини билан пўрим кийинган бир жаноб тушди. Яна бир йигит хам бор эди. Шу орада қария хам етиб келди. Хотини уни бу ахволда кўриб, юзини четга бурди. Қария хотинининг мехмонлар олдида ундан ор қилганини дарров сизди. Тез-тез юриб орқа эшикдан ичкарига кириб кетди. Шу кундан бошлаб у ўз уйига мазкур эшикдан кириб-чиқадиган бўлди. Биладики, шундай қилса бирорта ёт эркакка дуч келмайди. Овкатга хам чикмай кўйди – хизматкор аёл таомни хонасига келтириб берарди. Хотиними, кизими олдига кирмокчи бўлса, эшикни очмас эди. Ахийри улар хам чолни ўз холига кўйишди. Гохи-гохида кўшни хоналардан – энди унинг учун бегона хоналардан – мусика садолари ва жўшқин қахқахалар девор оралаб сизиб чиқар, кечасилари уйига келиб-кетаётган мошиналарнинг шовкини эшитиларди. Аммо Соломон бобо парво қилмас, хатто деразадан кўчага бир назар ташлаб хам кўймасди – неччи пуллик иши бор? Факат вафодор итигина хамма унутиб юборган хўжайинининг қаравоти олдида куну тун жилмас эди.

У абгор бўлган юрагида огрик сезмасди-ю, аммо қора мушук қонталаш жигарини тирноклашда давом этар эди. Дард хуружи тез-тез такрорланавергани сабабли дўхтирнинг кистови билан қария тиббий кўрикдан ўтишга рози бўлди. Профессорнинг авзойи бузилди. У операция қилиш лозимлигини қолга ётиги билан тушунтирди. Соломон бобо хафа бўлиш ўрнига суюниб кетди: хайрият-э, қутуладиган кун хам бор экан-ку! Хар куни ўлгандан кўра бирйўла ўлган яхши эмасми! Дўхтирдан оиласига билдирмасликни илтимос қилиб, операцияга тайёрлана бошлади. Охириги марта ишхонасига борди (қелишини ҳеч қим қутмаган экан, бегона одамдай қарши олишди), ўзи ўттиз йил ўтирган қора чарм қреслога сўнгги бор ўтириб, чек дафтарчасини келтиришни буюрди, дафтарчадан бир варагини тўлдириб, иш бошқарувчисига узатди. Бошқарувчи анграйиб қолди. Чекда қатта пул қайд этилган эди. Бу пул хайру эҳсонга ва ўзининг қабри парваришига аталган эди. Қария ишини битқазиб, кабинетдан тез чиқиб кетди, шошганидан шляпаси ерга учиб тушди, лекин Соломон бобо энгашиб уни олиб ўтирмади. Шу алфозда – бошланг, сочларини тўзгитиб қабристонга равона бўлди (ўткинчилар унинг изидан ёқа ушлаб қолишди). Қария ота-онасининг қабртошлари билан узок гаплашди. Нималар деди – ёлғиз ўзига аён. Балки, ҳадемай ёнларингга келаман, дегандир – қим билсин. Қабристон дарвозаси олдида уни бир тўда тиланчи қуршаб олди. Соломон бобо шоша-пиша чўнтагидаги тангаларни чиқариб, ҳаммага улашди. Энг охирида мункиллаб қолган бир кампир кўлини чўзди. Пули қолмаган эди. Факат бармогини оғир ва қераксиз бир нарса – тилла никоҳ узуги қисиб турарди, унга кўз қирини ташладию ҳаёлида олис ва мубхам бир хотира йилт этгандай бўлди. Узукни шартта ечди-да, хангу манг бўлиб қолган кампирнинг қафтига кўйди.

Хулласи қалом, жамики ортикча дахмазалардан қутулган, қашшоқ ва танҳо қария ўзини

жаррох ихтиёрига топширди.

Соломон бобо хушига келгач, ахволининг огирлигини ҳисобга олиб, дўхтирлар хотини билан кизини чакиртиришди.

Кизи консиз чехра узра мулойим энгашди. Шунда мўъжиза рўй берди: қариянинг сўнган нигохидан учкун сачради. Ана кизалоги, суюкли эркатои... тепасида турибди... Эрна, Эрна! Таранг кимтилган лаблар аста-секин ёзилиб, огизнинг икки бурчида сезилар-сезилмас, кўпдан буён унутилган табассум гимирлай бошлади. Кувончининг ана шу заиф, ночор ифодасидан таъсирланган киз отасининг юзидан ўпиш учун яна ҳам пастрок эгилди.

Аммо бирдан – галати атирнинг чучмал хиди эски, изтиробли хотираларини кўзгатиб юбордими – беморнинг хозиргина ёришиб турган чехраси бужмайди, кўкарган лаблари каттик кимтилди, аъзойи баданига титрок кирди, адёл остидаги кўллари гўё жирканч бир нарсани ўзидан нарига итармокчи бўлгандай типирчилай бошлади. “Даф бўл!.. Даф бўл!” Унинг бу сўзлари огзидан аранг чиккан бўлса-да, ҳаммага эшитилди. Дўхтирлар она-боладан беморни холи кўйишни сўрашди.

Хотини билан кизи чикиб кетганидан сўнг беморнинг юзига яна аввалги ором ва хоргинлик ифодаси кайтди. У ҳамон нафас оларди. Аммо бу ҳолат узок давом этмади. Кўп ўтмай қария энтикиб бир “пуф” дедию жим бўлиб қолди. Беморнинг кўкрагига кулогини босган дўхтир юракнинг муддатсиз хордикка кетганини англади.

Низом КОМИЛ таржимаси

Таржимондан: Юракни тилка-пора қилмок учун тақдири азал дабдурустдан кўкракка найза санчмайди. Пайт пойлайди. Бунга у устаси фаранг. Биз тақдири азалнинг ҳукмини “бахонаи сабаб” деб кўя қоламиз, сўнг... бу бетайин иборамизни ҳукмнинг бешафкат оқибатига таажжуб билан қиёслашга тушамиз; аслида дард ошқор бўлмасидан анча илгари бошланади. Инсон тақдири ҳам шунақа. У узок вақт вужудимиз қаърида, етмиш икки томиримизда яшириниб ётади, сиртга чикканида эса негадир исён кўтарамиз, аммо фойдаси бўлмайди.

СТЕФАН ЦВЕЙГ ХАЁТИДАН БИР ЛАВҲА

Бахтсиз бир ёш йигит ўз жонига қасд қилишни ўйлаб қолди, аниқроғи, ўзини олишга қарор қилди. Бу ўсмир нафакат шу қадар бахтсиз, балки бунинг устига ўта уятчан ҳам эди. Шунинг учун, ҳеч қандай овозга қилмаслик ва ўзгалар эътиборини тортмаслик мақсадида у худкушлик қилишга энг маъқул жой сифатида сахар қабристонини танлади. Ўзини ўлдирадиган сана ва вақтни ҳам белгилаб қўйди: тўлин ой кечаси, ярим тунда.

Шу тариқа, йигитча ой нурига чўмган тинч қабристонга қираркан, ўтириб олиб, шум тақдир билан хотиржам ҳисоб-китоб қилиб олиш учун мос ўриндик излади. Бахтга қарши (балки аксинча - бахтигадир), ҳеч қаерда скамейка йўқ эди. Бир неча ўнлаб қабрлар орасидан ўтаркан, йигит қутилмаган бир ҳолатдан бақириб юборди: унинг рўпарасида, ой ёруғида, қоп-қора қи-қинган ва... қанотли бир киз турарди! Фақат яхшилаб қарагандан кейингина бахтсиз йигит хотиржам нафас ростлади: бу оддий хайкал экан. Гарбда кўпинча бевақт ҳаётдан кўз юмган болалар ва ёш қизларнинг

кабрлари устига шунака фаришта хайкалини ўрнатишади. Бирок бу холатда ўз жонига касд килмокчи бўлган йигитчанинг эътиборини бошка нарса ўзига жалб этди. Хайкалчанинг пойига, мархума кизнинг исми, тугилган ва вафот этган санасидан ташкари, лотин тилида куйидаги матн ёзилганди: «Neus tu, viator lasse, qui me praetereis. Veni hoc et queiesce pusilu. Cum diu ambulareis, tamen hoc veniundum est tibi. Bene vive, propera...»

Йигит лотинчани биларди, шу сабабли янада хайратга тушди. Матн мазмуни бундай эди: «Хой йўловчи, кўриниб турибдики, сен юришдан чарчагансан. Бу ерда бирпас нафас ростлаб ол. Сенинг йўлинг узок, гарчи барибир шу ерда тугаса хам. Йўлингда давом эт ва тириклик чоғингда бахтли бўл...»

Бу сўзлар ўзини ўлдириш ниятида келган йигитчага шунчалик мўъжизавий таъсир кўрсатдики, у кора фаришта хайкалидан сал оркага тисарилиб, тўсиклар ва буталар орасидан ўтиб, чўнтагидан тўппончани чикарди-да, узокларга иргитиб юборди. Кейин ортига ўгирилиб, югурганча кочишга тушди.

Шу тарика, номаълум эпитафия Стефан Цвейгнинг - бўлажак австриялик буюк ёзувчининг хаётини саклаб колди...

Хуршид Даврон сайтидан олинди.